O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

... ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР. УНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТОТУВЛИГИ, ТИНЧЛИГИ, МИЛЛАТЛАРАРО ЖИПСЛИГИ ВА ҲАМЖИҲАТЛИГИ УЧУН КУРАШИШ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 5-aprel • Payshanba • 42 (27.687) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҚУДРАТИМИЗ – БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда.)

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги тарихий давр — миллатлараро ҳақиқий тотувликни равнақ топтириш ҳамда мустаҳкамлаш даврига қадам қўйди. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг эмин-эркин, тенг ҳуқуқда яшашига шароит яратишни мамлакат миллий сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгилади.

Айни шу сиёсат республикада миллий-маданий марказлар тузилиши учун кўп жиҳатдан мустаҳкам замин бўлди. Бу марказлар ўзига хос миллий анъаналар, урф-одатлар, маросимларни тиклаган ҳолда ўзаро ахил муносабатда бўлиб, бир-бирини бойитиб, умумий уйимиз — Ўзбекистонда улкан оила каби яшаб келмоқда.

Маълумки, бағрикенглик ва инсонпарварлик, тинчликсеварлик ислом маданиятининг асосини ташкил этади. Худди шу фазилатлар ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган. Буюк ипак йўлида жойлашган, қадим карвонлар ўтган бу манзилда азал-азалдан турли миллат, турли эътиқод, дин ва маданият вакиллари бир тан, бир жон бўлиб яшаб келганлар.

Бугунги мустақил Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари оға-инилар каби ахил-иноқ яшаб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги ҳам халқимизнинг бағрикенг ва тинчликсеварлигидан нишонадир.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясида Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташаббуси билан ўтказилган **«ҚУДРАТИМИЗ — БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА»** мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида ҳам худди шу хусусда сўз борди. Қуйида анжуман қатнашчиларидан айримларининг фикрлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

2-бет

Ижтимоий масалаларни қўллаб-қувватлашга ҳар томонлама ёндашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини хорижий мамлакатларнинг эксперт ва таҳлилчилари, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий доиралари вакиллари қизғин шарҳламоқда.

Улар «бу муҳим ҳужжат фуқароларнинг, айниқса, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари ва ижтимоий хизмат ходимларининг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ечиш борасида мамлакат раҳбариятининг ҳар томонлама ёндашувини яна бир бор тасдиқлайди», дея таъкидлашмоқда.

Хусусан, мазкур Фармон хусусида тўхталар экан, **РФ сиёсий конъюнктуралар маркази эксперти Евгений Войко** «ушбу ҳужжат Ўзбекистон раҳбариятининг аҳолининг барча қатламлари, айниқса, эҳтиёжмандларнинг турмуш даражасини оширишда том маънода ўз аксини топаётган демократик ўзгаришларни жадаллаштириш бўйича тутган йўлининг мантиқий бир қисми бўлди», деб таъкидлади.

— Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Фармон нафақат эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, балки ўзининг кундалик меҳнати билан уларга ғамхўрлик кўрсатаётган хизматчи ходимларни ҳам қамраб олгани билан ижтимоий ҳимоя муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама ёндашилаётганлигидан далолат беради, — деди россиялик эксперт.

Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари бўйича эксперт, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Со Гон-Ининг қайд этишича, «истиқлолга эришган Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида кучли ижтимоий сиёсат юритишга мамлакат раҳбарияти катта эътибор қаратиб келмоқда.

— Айнан шу боис Ўзбекистонда ҳар янги йилнинг ўз номи борки, бунда мамлакат ижтимоий ҳаётининг муайян бир муҳим йўналишига катта эътибор қаратилади ва унинг доирасида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилади, — деди кореялик дипломат. — Мен Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси бўлиб ишлаган киши сифатида шуни тасдиқлайманки, Президент Ислом Каримов мустақилликнинг энг қийин бўлган илк йилларида ҳам ижтимоий ҳимояга, ҳам ижтимоий васийлик ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бир маромда фаолият юритиши сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

Франциядаги Олий бошқариш институти бошқарувининг аъзоси Жан Мадер Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб, ижтимоий субсидиянинг аниқ йўналтирилиши тамойилига эътибор қаратди.

— Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг мазкур Фармони аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолатни ҳамда улар турмуш даражаси юксалишини таъминлашга қаратилгандир, — деди франциялик олим. — Қайси соҳада бўлмасин, барча ислоҳотлар муваффақияти давлатнинг иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда. Бу эса, албатта, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Шунингдек, **Францияда жойлашган Руэй-Мальмезон шаҳри мэрининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Клод Газио**нинг фикр билдиришича, айнан ижтимоий ҳимоянинг аниқ йўналтирилиши ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари фаровонлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлган вақтинчалик ижтимоий қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради.

— Бу борада фақатгина давлат катта роль ўйнаши керак эмас, — деди К.Газио. — Хайрия ва инсонпарварлик ташкилотлари, шунингдек, оддий халқ муаммоларидан яхши ва чуқур хабардор бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари кўринишидаги жамоатчилик ҳам фаоллик кўрсатиши лозим.

Исроилдаги АШРА давлат суғурта компанияси бош бошқарувчиси А.Авербух сўзларига қараганда, кўпгина давлатлар бюджет маблағларининг 54,1 фоизини ижтимоий ҳимоя мақсадларига йўналиштириш салоҳиятига эга эмас. Бу мамлакат раҳбариятининг республикада амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларга жиддий муносабатда эканлигидан ёрқин далолатдир.

— Бугун Ўзбекистонда фуқаро фаровонлигини ошириш бўйича вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё, — деди **Исроил саноат, савдо ва меҳнат вазирлигининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари билан ишлаш бўйича департаменти бошлиғи ўринбосари Э.Штейнбурк.** — Президент Ислом Каримовнинг Фармони аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиради ва унинг янада самарали ишлашига янги туртки беради. Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг 2006 йил якунлари республикада мамлакат аҳолисининг турмуш тарзини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодий ва ижтимоий соҳада кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли тарзда татбиқ этишга имкон берадиган мустаҳкам салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

«Инсонпарвар ҳамкорлик бўйича Германия шифокорлари жамияти» хайрия ташкилоти бошқаруви раисининг ўринбосари Н.Опитц Ўзбекистондаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимига эътибор қаратди.

— Бу мамлакат раҳбариятининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш масаласини устувор ва ғоят муҳим йўналиш сифатида аниқ белгилаб олганидан далолат беради, — деди у.

Германиядаги «Ambulance Versorgung Hohenschonhausen e.V.» хайрия бирлашмасининг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Н.Хоффман фикрига кўра, Президент Ислом Каримов Фармонида меҳрибонлик ва қариялар махсус уйларининг моддий-техник асосини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўриш назарда тутилгани ва бу мақсад учун бюжетдан маблағлар ажратилгани аҳоли фаровонлигини ошириш масаласига давлат эътиборининг катталигини ифодалайди.

— 2007 йилда бюджет харажатларининг салкам 55 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани мазкур соҳага дахлдор масалаларни ҳал қилиш республика раҳбарияти сиёсатида биринчи даражали ўрин тутишини билдиради, — деб ҳисоблайди Н.Хоффманн.

Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА

❖ **Ватан ҳимояси — олий шараф**

ЭНГ САРА ЙИГИТЛАР

ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ, ШАРАФЛИ ВАЗИФА — ОНА-ВАТАН ПОСБОНЛИГИГА МУНОСИБ КЎРИЛМОҚДА

Президентимизнинг **«Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»**ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан жойларда қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, бу борада пойтахт вилояти давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат чақирув комиссиялари талай ишларни амалга оширмоқдалар.

Чақирилувчиларни белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ўрганиш, йигитлар онгида Ватанга бўлган садоқат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда йигитлар танлов асосида армияга чақириляпти. Хизматга олинаётганлар нафақат жисмоний жиҳатдан бақувват, балки юксак маънавиятли бўлишлари ҳам талаб этилади.

Тошкент вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилганларни кузатиш катта байрамга айланиб кетди. Ота-оналар, қариндош-уруғлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ўғлонларни кузатиш учун бу ерга келган. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

— Ўғлим Ғайратжоннинг тезроқ улғайиб, аскар бўлишини узоқ йиллардан буён орзу қилардим, — дейди Ўртачирчиқ туманининг «Авангард» қўрғонида истиқомат қилувчи Ортиғой Баратова. — Мана, бугун ниятимга етдим. Фарзандимни Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтасин, ҳаёт синовларида чиниқсин, дея аскарликка кузатаяпман. Ўйлайманки, ўғлим ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, соғ-саломат яна бағримизга қайтади.

Куни кеча вилоятнинг Бўка, Ўртачирчиқ, Паркент туманлари ва қатор шаҳарларидан ҳам хизматга чақирилган йигитлар ҳарбий қисмларга жўнаб кетишди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *ҳарбий хизматга кузатиш тантаналари.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

Европа Иттифоқи Кенгашига раислик қилиб турган Германия Федератив Республикасининг мурожаатига мувофиқ Германия Ташқи ишлар вазирлигининг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўлими раҳбари жаноб Рольф Шульце раҳбарлигидаги Европа Иттифоқи экспертлари делегацияси 2007 йилнинг 31 мартидан 4 апрелига қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ташрифдан мақсад Европа Иттифоқи экспертларининг 2006 йил 11-15 декабрь кунлари Ўзбекистонга сафари якунларига кўра, уларда 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар бўйича пайдо бўлган қўшимча саволларни муҳокама қилишдан иборат эди.

Ушбу ташриф доирасида Европа Иттифоқи экспертлари Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди, Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экспертлари билан уларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек, ЕИ экспертлари жазога ҳукм этилганлар, уларнинг адвокатлари ва судьялар билан ҳам учрашди.

Европа Иттифоқи делегациясининг эксперт учрашувлари давомида Андижон воқеалари бўйича ўтказилган текширувлар ва қўзғатилган жиноий ишларни судда кўриб чиқиш якунларига тегишли уларни қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маълумот тақдим этилди.

Ташриф доирасидаги учрашувлар ишчанлик вазиятида, ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Томонлар бўлиб ўтган амалий мулоқотлардан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОТУВЛИГИ

ҚУДРАТИМИЗ — БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рустам РЎЗИЕВ, ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлари доктори:

— Инсон манфаатларини ҳимоя қилишни умумжаҳон меъёрларига тенглаштириш, унинг ҳуқуқларини стандартлаштириш ва дунёнинг энг илғор мезонлари билан мувофиқлаштириш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Очиғини айтиш керак, собиқ шўролар даврида мазкур муаммони ҳал этишнинг фақат бир йўли, яъни узлуксиз прессинг — доимий тазйиқ, куч билан таъсир кўрсатиш усуллари қўлланиб келинди.

Демократик тартиботлар, ҳуқуқий-миллий давлатчилик тамойиллари эса мазкур масала ижросини жамият кучи ва имкониятлари орқали амалга оширишни тақозо этади. Бу жуда мураккаб, вақт тақозо этадиган маънавий-маърифий ва руҳий ҳодисадир. Хусусан, тоталитаризм иллатлари, мафкуравий яккаҳокимлик, миллатларни ассимиляция қилиш, «ягона совет халқи»ни вужудга келтириш сиёсати исканжасида узоқ йиллар яшаган халқларни янги шароитда ихтиёрий негизларда яқинлаштириш, улар тафаккурида ўзгариш ясаш анча мураккаб ҳодиса экани ҳеч кимга сир эмас. Лекин биз бугун фахр билан айта оламизки, кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш ва муросавий мувозанатни юзага келтиришнинг мураккаб жараёни оқилона йўллар билан, ўзаро тинч ва дўстона муҳитда амалга оширилди.

Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга катта ҳисса қўшиш билан бирга ўзларининг маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 40 дан ортиқ давлатлар билан дўстлик жамиятлари ташкил этилган бўлиб, улар мамлакатимизнинг бошқа республикалар билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва маданий-маърифий ришталари мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик:

— Мамлакатимизда қисқа тарихий давр мобайнида шакилланган сиёсий ҳаётдаги ижобий иқлим миллатлараро ҳамжиҳатлик ва халқнинг миллий ўзлигини англашига имконият яратди. Буни жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази томонидан миллатлараро муносабатлар, миллий ўзликни англаш феномени, этник анъаналар муаммоларига бағишлаб ўтказилган социологик сўровлар натижалари ҳам тасдиқламоқда. Ушбу муаммоларни назарий ва эмпирик ўрганишнинг зарурий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳамда этнотоциологик тадқиқотлар тажрибасига асосланиб, «Ижтимоий фикр» маркази 1999 йилдан бери мониторинг тартибида «Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз» мавзуида социологик тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бу сўровлар шуни кўрсатдики, аҳолининг кўпчилиги Ўзбекистоннинг 15 йиллик мустақил тараққиёти давридаги энг қимматли ютуғи, бу — жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик эканлигини таъкидлашмоқда. Сўровнома маълумотларининг қиёсий таҳлили республика аҳолисининг жамиятда миллатлараро, конфессияларо ва фуқаролараро тотувликнинг юқори баҳоланаётганлигини ёрқин ифода этмоқда. Ўзбекистоннинг деярли барча фуқаролари қаерда яшашидан, жинси, ёши, оиласи, маълумоти, ижтимоий мақоми ва динга мансублигидан қатъи назар, бундай фикрда яқдилдирлар.

Эътиборлиси, бир неча бор ўтказилган сўровларда респондентлар орасида «Ўзбекистон менинг севимли уйим» деб ҳисобловчилар сони ортган, шу билан бирга «Ўзбекистон мен яшаётган мамлакат холос» деб қаровчилар миқдори камайган. Иккинчи мезон — «Сиз, Ўзбекистон фуқароси сифатида қандай ҳиссиётларни кечирмоқдасиз?» деган саволга юртдошларимизнинг аксарият кўпчилиги ўзини Ўзбекистон фуқароси сифатида англашдан фахрланишини таъкидлашган, шу билан бирга ушбу кўрсаткич (70% атрофида) барқарор қолмоқда.

Умуман, Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатларнинг ҳолатини ўрганиш фуқароларда ижтимоий оптимизми даражаси ва уларнинг Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига ишонч ўсганлигини яққол ифода этди.

Светлана ГЕРАСИМОВА, Республика рус маданият маркази раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Республика Рус маданият маркази фуқаролик жамиятининг кўпсонли институтларидан бири бўлиб, бошқа маданият марказлари ўртасида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Ватандошларимизнинг юқори даражадаги миллатлараро бағрикенглиги, шунингдек, давлат органларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли марказимиз мамлакат ижтимоий-сиёсий муносабатлари тизимида, бошқа марказлар сингари янги жамият қуриш йўлида жадал ривожланиб бормоқда.

Хорижий ўлкаларда рус диаспоралари ҳали ҳам етарли даражада уюшмаган, бирлашмаган бир пайтда биз Ўзбекистон фуқароси бўлиб, Конституцияда кўрсатилган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланамиз, серқуёш ўлкамизда истиқомат қилаётган турли миллат ва халқ вакиллари билан қўл ушлашиб, ҳамнафас бўламиз, жамиятнинг демократик янгиланишида буюк куч-қудрат, ҳамкорлик ва бирликни аниқ сезиб турамиз.

Ўзининг мазмун-моҳияти билан бизнинг миллий-маданий бирлигимиз бағрикенглик, тинчлик маданияти ва сабрлилик ғояларини кундалик ҳаётимизга татбиқ этишдек хайрли ишни амалга оширади. Айни пайтда, у кўпмиллатли Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, ёшларни демократия тамойилларига, фуқаролик жамияти манфаатларига мос равишда тарбиялаш борасида комплекс ишни амалга оширади.

Ўзбекистонда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали, Г.Плеханов номидаги Москва давлат иқтисодиёт академияси, Москва давлат сервис университети филиаллари очилган. МДУ филиалининг очилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: **«Филиал Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларининг ёрқин кўринишидир. Бу ерда Россиянинг улкан олимлари дарс беришади. Бу эса илмий-академик давралар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади».**

Айтиш мумкинки, бугун бундай фаолият барча соҳаларда изчил давом эттирилмоқда. Муҳими, бундай алоқалар негизида икки халқ, икки мамлакатнинг асрлар оша сайқалланиб келган муносабатлари янгича кўриниш ва ёндашувларда ривожланмоқда.

Олим ПАНЖИЗОДА, Сурхондарё вилояти тожик миллий-маданий маркази раиси:

— Бутун Ўзбекистонимиздаги каби Сурхондарё воҳасида ҳам кўпгина миллат вакиллари — ўзбеклар ва тожиклар, туркманлар ва руслар, татарлар ва корейслар, қозоқлар ва бошқа миллат фарзандлари оға-ини бўлиб, ҳамкорлик ва дўстликда яшаб келмоқдалар. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин вилоятда рус, корейс, туркман, тожик миллий-маданий марказлари ташкил этилиб, улар турли оммавий-сиёсий тадбирларда фаол иштирок этишмоқда, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни ривожлантиришга ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Тожик миллий-маданий маркази Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари иштирокида Термиз шаҳридаги амфитеатрда «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!», «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» шиорлари остида дўстлик фестивалларини ўтказиб келмоқда.

Энг муҳими, бундай дўстона муносабатлар, ўзаро яқинлик вилоятдаги рус, туркман ва бошқа миллий-маданий марказлар билан ҳам йўлга қўйилган. Истиқлол берган имкониятлар туфайли Ўзбекистонда турли миллат вакиллари ана шундай дўстлик, ҳамкорликда яшамоқда. Шунинг учун улар қудратли, парвозлари баланд, ютуқлари салмоқлидир.

Владимир ШИН, корейс миллий-маданий марказлари бирлашмаси раиси:

— Корейс маданият марказлари ассоциацияси — республикамиз мустақиллиги билан тенгдош. Унинг ташкил этилиши бизнинг диаспораларимиз тарихида янги қадам бўлди. У туфайли Ўзбекистон корейслари ўнлаб йиллар мобайнида илк бор ўз она тилини, миллий маданияти, урф-одат ва анъаналарини эркин юзага чиқариш ҳамда ривожлантириш имкониятига эга бўлдилар.

Бугунги кунда ассоциация вилоят, шаҳар ва туман маданият марказлари билан бирга «Тинбо» илмий-техник жамияти, «Корё» номли корейс анъанавий рақс ансамблини ҳам ўз сафига бирлаштирган. Ассоциация «Коре син-мун» газетасини ўз ҳомийлигига олган. Ассоциация ҳузурида артистлар, рассомлар, ёзувчилар, спортчи ва мураббийлар гилдияси тузилган бўлиб, улар турли танловлар, кўргазмалар, кўчма концертлар ўтказадилар, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлайдилар.

Ассоциация, маҳаллий корейс маданият марказлари корейсларнинг ва давлатимизнинг байрамларини доимий равишда нишонлаб келадилар. Албатта, барчамиз учун бош байрамимиз — Мустақиллик байрами ҳисобланади. Корейс маданият марказлари шу кунга бағишланган умуммиллий тантаналарда иштирок этишлари учун ўзининг энг яхши вакилларини — фаоллар, қўшиқчилар, мусиқачиларини, спортчилар, фан ва маданият арбобларини жўнатадилар. Ассоциация ва унинг бўлимлари ўзларининг миллий доираларида бирлашадилар. Улар Республика Байналмилал маданият маркази, давлат ташкилотлари, бошқа миллий маданият марказлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Абдувоид ОЧИЛДИЕВ, фалсафа фанлари доктори:

— Миллий сиёсат фақат тор этномаданий, яъни миллий тил, маданият, урф-одат ва анъаналарни ривожлантириш билан чекланмайди. Аслида у жиддий ёндашувни талаб қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалалар тизимини ўз ичига олади. Мустақил Ўзбекистон босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, миллий сиёсат назарияси ва амалиётида масаланинг ана шу жиҳатлари ҳам инобатга олингани ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг таъминланишига мустаҳкам замин яратганини англаб етиш мумкин.

Бу эса Юртбошимиз қайд қилганидек, **«Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда».**

Виктор МИХАЙЛОВ, Республика яҳудийлар миллий-маданий маркази раиси:

— Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг бирлиги ва жипслиги борасидаги ноёб тажриба дунёнинг кўпчилик халқларини ҳайратлантиради. Айниқса, хорижий меҳмонларнинг мамлакатимизга ташрифи юртимиздаги Наврўз ва Мустақиллик байрамларига тўғри келиб қолса, чин кўнгилдан хурсанд бўламиз. Чунки биз улар учун алоҳида тадбирлар ўтказмаймиз, балки одатий байрамлар ўтказиладиган жойларга, ҳар йили миллий-маданий марказлар томонидан бериладиган галаконцерт, сайил, танлов, миллий ўйин ва спорт мусобақаларига олиб борамиз. Ўзбекистонга биринчи марта келган меҳмонлар байрамларни ана шундай ҳамжиҳатликда ўтказишимиз, бу ерда ўзаро ҳурмат ва ўзаро бир-бирини тушуниш кайфияти ҳукмронлигини кўриб ҳайратга тушишади.

Буларнинг бари Ўзбекистонда яратилган илиқ ижтимоий муҳит ва дўстона бағрикенглик самараси, албатта. Мустақиллик йилларида Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Қўқон, Андижон ва албатта Тошкент шаҳрида яҳудий маданият марказлари очилди, эски синагогалар таъмирланди ёки қайтадан қурилди. Биз бугун миллий байрамларимизни қандай ўтказаётганлигимизни, Ўзбекистонда яҳудийлар ўз маданияти, тили борасида қандай ютуқларга эришаётганини юртимизга келган ҳар бир хорижликка фахр билан кўрсата оламиз.

Муҳаммад ҚУРОНОВ, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари:

— Мустақил тараққиётнинг ўн беш йилдан ортиқроқ вақти давомида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик, ижтимоий тотувлик, ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ҳимоя қилиб келинмоқда. Чунки республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик, осойишталик Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва ҳар бир ўзбекистонликнинг хоҳиш-иродасидир. Юртбошимизнинг **«Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради»**, деган фикрлари республикада миллий сиёсат тамойилига айланди.

Миллий мафкуранинг тамойилларидан бири миллатлараро тотувлик, деб белгиланганлиги ҳам бу йўлда бизнинг ўз йўлимиз борлигини тасдиқлайди. Чунки миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятига кўра, қуйидаги бир қатор жиҳатлари бор. Яъни:

— миллий ғоямиз Ўзбекистон халқига, барча миллатларга хизмат қилади, маънавий-маданий, ғоявий жиҳатларда уларни яқинлаштиради, ривожлантиради;

— Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар манфаатларини ҳимоялайди ва уларнинг равнақига хизмат қилади;

— мактаблар, ўқув жиҳозлари, миллий дарсликлар ҳамда бадиий санъат намуналарини вужудга келтиришда кенг ижодий имкониятлар яратади.

Миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият. У нафақат турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, балки бутун дунёда тинчлик ва тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ортиқбек ЮСУПОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи:

— Мустақиллик даврида Ўзбекистонда маънавият ва виждон эркинлиги масаласига муносабат тубдан ўзгарди. Динга нисбатан тўсиқлар олиб ташланди, шу давр мобайнида юзлаб масжидлар, черковлар, синагогалар қурилди ва қайта таъмирланди. Дунёвий тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган бўлиб, давлат диннинг ишига аралашмайди. Ундан ташқари, барча конфессияларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда белгилаб қўйилган. Ўзбекистондаги барча диндорлар ўз диний байрамларини эмин-эркин нишонлашади. Жумладан, ҳар йили мусулмонларнинг Қурбон ва Рамазон ҳайити, христианларнинг Пасха ва Рождество байрамлари, иудейларнинг Пейсах, Пурин ва Ханука байрамлари кенг нишонланиб келинади.

Давлат ва динлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йилдан эътиборан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги махсус давлат органи – Дин ишлари бўйича қўмита фаолият кўрсатиб келмоқда. Диний ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамжиҳатлик, турли-туман диний конфессиялар фаолиятини амалга оширишга шароит яратиш, жамиятимизда динларо ва миллатлараро тотувликни таъминлаш мақсади ҳамда конфессияларо мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида ушбу қўмита қошида конфессиялар иши бўйича Кенгаш ташкил этилган.

Шу ўринда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда диний-миллий қадриятларни ривожлантириш, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг барча муҳим жиҳатлари қамраб олинганини эътироф этди. Бу далиллар эса Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш борасида барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда, дейиш учун тўла асос бўла олади.

Сергей СТАЦЕНКО, Тошкент Православ семинарияси проректори:

— Православия тарихи энг қийин даврларда ҳам ҳақиқий имонли инсон ҳамиша эркин эканлигидан яққол далолат беради. Ҳақиқий имонлилар эса айнан ўз қалбида, руҳида, худога қиладиган дуоларида ўз эркинлигини намоён этадилар. Эркинлик учун ибодат қилиш, муқаддас жойларга бориш, диний байрамларни ўтказишга эса юртимизда барча имкониятлар мавжуд: бунга ишонч ҳосил қилиш учун масжидларга бориш ёки ибодатхонадаги якшанбалик ибодатга назар ташлаш кифоя.

Ўзбекистон қадимдан кўп халқлар ва кўп динлар учун маскан бўлиб келган. Бу ўлканинг мавжуд тарихи давомида бу ерда турли халқлар ҳаёт кечирган ва бу нарса диний ҳаётнинг турли шаклларини вужудга келтирган. Асрлар давомида бу ерда зардўштийлик, христианлик, яҳудо ва манихейлик динлари ёнма-ён ривожланган.

Мустақиллик йилларида шахсан Президент Ислом Каримов кўрсатмасига асосан Тошкентда Православ Маънавий-маърифий маркази очилди. Зарафшон шаҳрида авлиё Николай, Навоий шаҳрида авлиё Сергей ажойиб ибодатхоналари барпо этилди. Бошқа кўплаб шаҳарларда ва аҳоли турар-жойларида янгидан-янги ибодат уйлари барпо этилмоқда ва безатилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг кўп миллатли, кўп динли аҳолиси миллатлараро сиёсат соҳасидагина эмас, балки диний бағрикенгликни таъминлаш борасида ҳам улкан ютуқларга эришиб келаётганидан далолат беради.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрладилар

✧✧✧

Суратда: *Республика Байналмилал маданият марказининг 15 йиллиги муносабати билан ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган миллий-маданий марказлар раҳбарлари – Республика туркман миллий-маданий маркази раиси О.Қурбонов, яҳудий миллий-маданий маркази раиси В.Михайлов, Наманган вилояти корейс миллий-маданий маркази раиси Л.Ни.*

❖ **ЎзХДП: электорат манфаати**

ҚАЛБИ ДАРЁ ИНСОНЛАР

Пойтахтимизда Чўтка ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бор. У ерда 100 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади. Ушбу масъулияти чекланган жамиятнинг бошқа ишлаб чиқариш объектларидан фарқи шундаки, унда асосан кўзи ожиз ногиронлар меҳнат қилади.

Куни кеча бу ерда Наврўз тантаналари бўлиб ўтди.

— Баъзан тўрт мучаси соғ одамларнинг ўзига мос иш тополмасдан, ҳаётини изга сололмасдан нолиб юрганини кўрасиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши масъул ходими Ҳабибулла Мансуров. — Бу ерда эса кўзи ожиз инсонлар меҳнат қилиб, ўз ҳаётларига мазмун бахш этяптилар. Шунинг билан бирга уларнинг жамиятимизга ҳам катта фойдаси тегаяпти.

— Корхонанинг аксарият ходимлари Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватлайди, — дейди корхона кутубхонаси мудири, бошланғич партия ташкилоти раиси Ортиқ Фармонов. — Жамоадошларимиздан ўттизга яқини Ўзбекистон ХДП аъзоларидир. Айниқса, партиянинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ногиронлар манфаатларини кўзлаб илгари сураётган ғояларини биз яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Байрамларда бизни табриклаш учун ЎзХДП Миробод туман кенгаши раҳбарлари келиб туриши бизни қувонтирмоқда, бу партияга ишончимизни оширмоқда.

— Бу йил Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани айни дилимиздаги иш бўлди, — дейди корхона директори, «Шуҳрат» медали соҳиби Ҳусан Гиёсов. — Кўзи ожизлар ва бошқа ногиронларга эътиборнинг янада кучаяётгани адолатли, инсонпарвар жамият қураётганимиздан далолатдир. Мен ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш деганда уларга пул ёки озиқ-овқат маҳсулотлари бериш эмас, балки яшаш, меҳнат қилиш учун тегишли шарт-шароит, қулайликлар яратишни тушунаман. Мана, бизнинг корхонамиз бор. Меҳнат қилиб ўз оиламизни боқишга ҳаракат қиламиз. Пахта тозалаш заводлари учун чўткалар ишлаб чиқарамиз. Корхона фаолиятини қанча кенгайтирсак, манфаатдорлигимиз ҳам шунча ошиб бораверади.

Байрам баҳона бу ерда меҳнат қилаётган кўпгина ишчи-ходимлар билан суҳбатда бўлдик. Уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари, самимийлиги сўзларидан, юзларидан сезилиб туради. Ёш хонанда Дилнура Қодиржонова куйлаган мумтоз наволарга жўр бўлаётганлари, дунё ташвишларини унутиб рақс тушаётганларини кўриб, уларнинг қалблари дарё эканлигига амин бўласиз.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ **Мардлик — мангулик**

ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Ватан ҳимояси, эл-юрт тинчлиги учун ўз жонини фидо қилган инсонлар ҳеч қачон унутилмайди, улар хотираси абадий бўлади. Куни кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган оммавий тадбир Ўзбекистон мустақиллиги ва конституциявий тузумини ҳимоялаш, терроризмга қарши курашда ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилар, террорчилик актлари вақтида қурбон бўлган фуқароларнинг хотирасига бағишланди.

Тадбир «VATAN» хайрия жамғармаси ташаббуси, қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши кўмаги билан ташкил этилди. Унда вазирликлар ва давлат идоралари раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг кўрсатган мардлигини эътироф этиб, уларнинг оила аъзоларига республикамиз ҳукумати ва кенг жамоатчилик томонидан берилаётган эътибор ҳақида тўхталдилар.

— Ватаннинг тинчлигини асраш аслида ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу инсонлар ўз бурчини бажариш учун жонларини ҳам аяшмади. Уларнинг қаҳрамонлиги ҳаммамизни, айниқса, ёш авлодни бугунги тинчосойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, ҳар бир қарич еримизни асраб-авайлашга чорлайди, — деди сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева.

Иштирокчилар мамлакатимиз бошидан кечирган фожиали кунлар, террорчи кучларнинг жиноятлари тўғрисидаги ҳужжатли видеофильмни томоша қилдилар. Шунингдек, «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деб номланган болалар бадиий кўргазмаси, ИИВ қошидаги болалар ижодий гуруҳи, ИИВ оркестри, Мудофаа вазирлиги ашула ва рақс ансамбли ҳамда Украин ва Арман миллий маданият марказлари ижодий гуруҳларининг чиқишлари намойиш этилди. Тадбир якунида ўз хизмат вазифасини бажаришда ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига совғалар, моддий ёрдам берилди.

Тадбир қатнашчиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшановнинг айтишича, бундай тадбирларни нафақат пойтахтда, балки жойларда ҳам ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Қўнғирот шаҳридаги «Саноат» маҳалласи обод маҳаллалардан ҳисобланади. 540 оила истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада кам таъминланган оилалар доим эътиборда. «Ижтимоий ҳимоя йили» бошидан буён шундай оилаларга 186 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Ширин Солиева.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида ўттиздан зиёд корхона ва ташкилот, мактаб ва болалар боғчалари фаолият юритмоқда.

Суратда: *маҳалла ҳудудида жойлашган «Шаҳида» хусусий миллий кийим тикиш цехи чевари Шаҳида Ражапова.*

Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат

❖ Ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарайлик!

Хусусийлаштириш жараёнлари иқтисодий ўсишни таъминлайдиган асосий йўналишлардан бири бўлиб, бу жараён барча маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ҳамда сармоядорларни қизиқтириши, табиий. Негаки, ҳар бир сармоядор ушбу имкониятдан фойдаланиб қолишга, хусусий мулк эгаси бўлиб, ўз бизнесини ташкил этишга интилади.

Айни пайтда амалга оширилаётган 2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурига кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, кўчмас мулклар, йирик корхоналарнинг акция пакетлари ва улушлари, ижтимоий инфратузилма объектлари (дам олиш масканлари, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш тизимига қарашли) ва бошқа мулклар киритилган бўлиб, фуқароларга уларнинг эгаси бўлиш учун кенг имконият яратади.

Хўш, мазкур давлат мулкларини хусусийлаштиришдан мақсад — бюджетга пул тушумларини кўпайтиришми ёки шунчаки давлат тасарруфидан чиқаришми?

Бу ва бошқа саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Биржа ва биржадан ташқари савдоларда давлат активлари сотувини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи Мирзатилла САИТБОЕВга мурожаат қилдик.

САРМОЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ САЛМОҒИ

ЭНГ АВВАЛО, АХБОРОТГА БОҒЛИҚ. АХБОРОТ ЭСА БИЛИМ, БИЛИМ — КУЧ, КУЧ — ҒАЛАБА, ДЕГАНИ

— Суҳбатимизни давлат мулкларини хусусийлаштириш жараёнларининг ҳозирги босқичдаги асосий жиҳатларидан бошласак...

— Ҳозирги кунда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурининг асосий мақсади — биринчи навбатда замонавий технологиялар ва инвестиция киритишга муҳтож корхоналарни хусусийлаштириш жараёнига тубдан янгича ёндашиш, хусусий секторни кенгайтириш, бизнес учун шароитлар шакллантириш ва уни кенгайтиришдир. Ушбу жараёнлар мамлакатда нодавлат секторларнинг улушини оширишга ва кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керак, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабатимиз ва ёндашувларимизни ҳам тубдан ўзгартиришимиз, иқтисодиётнинг кимё, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати ва бошқа етакчи тармоқларга қарашли корхоналарнинг акцияларини кимошди савдосига қўйиш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарурлигини, хусусийлаштиришдан келадиган маблағлар ҳисобидан бюджет тушумларини кўпайтириш мақсад қилиб қўйилмаганлигини, бу борадаги асосий масала — хусусийлаштириладиган объектларга эгалик қилишга даъвогарларнинг — энг аввало объектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига оладиган мажбуриятлари эканлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бу устувор вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси барча имкониятларни фаолияти тўхтаб қолган, тўла қувват билан ишламаётган, янги ва замонавий технология киритиш талаб этиладиган корхоналарни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, қурилиши тугалланмаган объектларнинг қурилиш ишларини тугатиш ва фаолиятини йўлга қўйиш мақсадлари учун қўшимча инвестициялар киритишга қаратмоқда. Мақсад — хусусийлаштириш жараёни нафақат иқтисодий ислоҳотларга, балки мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига, замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва аҳоли манфаатларига хизмат қилишни таъминлашдир. Шубҳасиз, бу жиҳатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ давлат мулкларини сотиш шаклини ўзгартиришни ва янгича ёндашувни тақозо этади.

Айни пайтда, йирик ишлаб чиқариш корхоналари акция пакетлари ва улушлари ҳамда бошқа ижтимоий инфратузилма объектлари танлов савдолари орқали сотилмоқда. Мазкур савдо турининг афзаллиги шундаки, унда давлат мулкини сотиб олган сармоядор томонидан корхона фаолиятини ривожлантириш мақсадида қўшимча сармоя киритиш мажбурияти олинади. Масалан, Тошкент шаҳри, Сирғали туманида жойлашган «Ўзкоммунхизмат» агентлиги балансидаги «Қурилиши тугалланмаган троллейбусларни таъмирлаш заводи» қурилиш ишлари тўхтаб қолгандан сўнг, ўнлаб йиллар давомида у қаровсиз, ташландиқ ҳолга келиб қолувди. Корхона давлат мулкини хорижий сармоядорларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи давлат тендер комиссиясининг қарорига кўра, корхона базасида тўқимачилик ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш шарти билан танлов савдоларига қўйилди. Савдода мазкур объект 255 минг АҚШ долларига (тўқимачилик корхонаси ташкил этиш мақсадида 16 млн. АҚШ доллари миқдорида) қўшимча сармоя киритиш шарти билан туркиялик сармоядорларга сотилди.

Тасаввур қилинг, ўнлаб йиллар давомида ҳеч ким бирор наф кўрмаган корхона қурилиши якунланиб, тўқимачилик корхонаси фаолият бошласа, аввало, уни сотиб олган сармоядор, сўнгра давлат ва аҳоли манфаат кўради. Натижада, юртимизда енгил саноат соҳасида яна бир корхона вужудга келиб, юзлаб янги иш ўринлари очилади, соҳа ривожига ривож қўшилади.

Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман, бу ўзгаришларга, сармоядору мулкдорларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қаралса мақсадга мувофиқ бўлади.

— Давлат мулкларини савдоларга чиқариш ва сотишда қайси ташкилотлар иштирок этади?

— Ҳозир давлат мулкларини савдоларга чиқаришда Давлат мулки қўмитасининг ваколатли брокерлик идораси — «Aktiv-broker» давлат унитар корхонаси, «Тошкент» республика фонд биржаси, Республика Кўчмас мулк биржаси, «Respublika mulk auksioni» давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Албатта, бу жараёнларда ихтисослашган ва холис муассасалар хизматидан фойдаланиш, биржа савдолари бўйича савдодан 15 кун олдин, биржадан ташқари (аукцион ва танлов савдолар бўйича) 30 кун олдин матбуотда хабарномалар чоп этиш, давлат активларини очиқ савдоларга чиқариш, савдолар ошкоралигини таъминлаш жуда-жуда муҳим жиҳатлардир.

Танлов савдоларида сармоядорлар ўз бизнес-режасига кўра, энг юқори миқдорда сотиб олиш нархи ва қўшимча сармоя киритиш таклифини ёпиқ шаклда, яъни муҳрланган конвертда танлов комиссияси эътиборига тақдим этадилар. Ҳар бир ҳолатда савдоларнинг ошкоралиги таъминланади ва барча савдо иштирокчиларига (холислик асосида) тенг шароитлар яратилади.

— Давлат активларини баҳолаш ва унинг савдодаги бошланғич нархини белгилаш қандай амалга оширилади?

— Давлат активларини баҳолаш ушбу фаолият турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Унда хатлов натижалари бўйича корхонанинг мавжуд мол-мулки ва амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига мувофиқ белгиланади. Баҳолаш, қоидага кўра, уч усул билан, яъни харажатли, даромадли, қиёсий сотувларда амалга оширилади. Баҳолашнинг мазкур уч усулидан бирини қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда баҳоловчи у ёки бу усулни қўллаш рад этилишини зарур равишда асослаши керак.

Давлат активларининг баҳолаш қиймати миллий валютада белгиланади. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдолари ўтказиш давлат комиссиясининг қарорига кўра, сотиладиган давлат активлари бўйича баҳолаш қиймати айни вақтда баҳолаш ўтказилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича АҚШ долларида қайд қилинган ҳолда белгиланади.

Баҳолашнинг икки ва ундан ортиқ усули қўлланилганда баҳоловчи ташкилот Давлат мулки қўмитасига давлат активлари қийматини баҳолаш бўйича олинган барча натижаларни тақдим этади, улар асосида Давлат мулки қўмитаси (давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари тизимига кирадиган корхоналар бўйича) ёки унинг худудий органи (бошқа корхоналар бўйича) буйруғига кўра, корхонанинг қиймати, устав фонди миқдори ва бошқа давлат активлари миқдорини тайинлайди. Давлат активининг савдоларга чиқариладиган бошланғич баҳоси, баҳоловчи компаниянинг хулосасига асосан Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси матбуот котиби Шоира НИҒМАТУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

❖ **ЎзХДП: электорат манфаати**

ИШЛАЙМАН ДЕГАН ОДАМ

ҲАТТО УЙИДА ЎТИРИБ ҲАМ МЕҲНАТ ҚИЛИШИ, ШУНГА ЯРАША ДАРОМАД ОЛИШИ МУМКИН

Мамлакатимиз Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Олот туманида махсус дастур ишлаб чиқилган. У босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ХДП туман кенгаши туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда мониторинг олиб бораяпти.

— Касаначилик кўпроқ аёлларга қулайлик туғдиради, — дейди туман меҳнат бўлими бошлиғи Рўзимурод Ҳамроев. — Айнан шу йўналишда ўтган йил яратилган 85 та ишчи ўрнининг 71 тасини аёллар банд этишди.

— Ҳозиргача, — дейди бўлим ходими Абдулла Нарзуллаев, — 7 та йирик саноат корхонасида касаначилик яхши йўлга қўйилган. Биргина ўтган йил касаначилар томонидан 5 миллион 105 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 25 киши касаначиликка жалб этилганини назарга олсак, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми янада ошади.

Дарвоқе, Олот пахта тозалаш заводи, «Асртекс» масъулияти чекланган жамияти, нефть-газ экспедицияси, туман МТП каби қатор корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначиларга ўз вақтида хомашё етказиб берилаётгани боис ишнинг сифати, самараси ҳам юқори. Биргина пахта тозалаш заводи уйда турли иш бажарувчилар ҳисобидан 3 миллион 770 минг сўмлик қўшимча маҳсулот эгаси бўлди. Бунинг устига корхона кўзда тутилган имтиёз ҳисобига 510 минг сўмни тежаб қолди.

— Ширкат хўжаликлари тугатилгач, кўпчилик аёллар қатори мен ҳам беиш қолгандим, — дейди партия фаоли, Талқонсайёт қишлоғида яшовчи Дилдора Икромова. — Заводнинг зардўзлик, тикувчилик турлари бўйича фаолият кўрсатаётган касаначилари сафидан ўрин олганимга ҳам бир йил бўлди. Ойлик маошим ҳам кам эмас. Биз тикаётган халқ истеъмоли моллари корхона қошида очилган «Касаначи» дўконида сотилмоқда.

Аму-Бухоро машина канали бошқармаси билан меҳнат шартномаси тузган касаначи Муроджон Мансуров темирчилик билан шуғулланади. Ҳар хил иш қуроллари, эҳтиёт қисмлар тайёрлаб, корхонага беради. Шунинг билан бирга у ўзининг бошқа юмушларига ҳам бемалол вақт топар экан. Хуллас, қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уй меҳнатини йўлга қўйиш ҳисобига вилоятда 7290 та ишчи ўрни яратилди. Бу кўзда тутилганидан 239 тага кўп. Касаначилик эвазига вилоятнинг йирик саноат корхоналарида 475,1 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Тан олиш керак, касаначиликни ривожлантириш борасида ҳамма туманларда ҳам имкониятлар тўлиқ ишга солинаётгани йўқ, — дейди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов. — Шуни ҳисобга олиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Когонёғ», «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамиятлари, «Заркон», «Имидж-текстил» сингари ишлаб чиқариш корхоналари бу борада тўплаган тажрибани кенг тарғиб қилишга киришдик. Туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда касаначилик соҳасида изчил фаолият кўрсатишга эътибор қаратяпмиз. Бу бандлик дастури ижросини таъминлашда муҳим омил бўлишига ишонамиз.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ:

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Болгария Республикасининг минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазири Асен Гагаузовнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 4 апрель куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон—Болгария бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Болгариянинг Минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазирлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу форум икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов бошқарган тадбирда икки давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Форумда болгариялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Болгария делегацияси раҳбари А.Гагаузов Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун жуда қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

— Шу боис Болгария Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди Болгария делегацияси раҳбари. — Биз, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришдан жуда манфаатдормиз.

Форумда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, Болгария компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон билан Болгария ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Болгариянинг қатор йирик компаниялари вакиллари иштирок этди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи «Zhivel-Argo», махсус ҳимоя эшиклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Solid JS», озиқ-овқат саноати ускуналарини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш билан шуғулланувчи «Болгарпродмаш» каби компаниялар Ўзбекистон бозоридаги ўз ўрнини янада кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария ишбилармон доиралари вакилларининг кооперацион биржаси бўлиб ўтди. Унда болгариялик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан пахтачилик, пахта ва пахта маҳсулотлари савдоси, металга ишлов бериш, сув таъминоти, мевасабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Болгария делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлараро қўшма комиссияси мажлиси, бизнес-форум ва кооперацион биржа доирасида икки кун давом этган музокаралар якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

Покистонда инглиз тилида чоп этиладиган «Pakistan Observer» газетасида «Ўзбекистон—Покистон муносабатлари тараққиёти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. У Покистон сиёсий тадқиқотлар институтининг илмий ходими, покистонлик машҳур эксперт Муҳаммад Мунир қаламига мансубдир.

«PAKISTAN OBSERVER»:

Ўзбекистон Покистон учун янада жозибали мамлакат бўлиб бормоқда

Эксперт ўз мақоласида Покистон Бош вазири Шавкат Азизнинг жорий йил 13-15 март кунлари юртимизга буюрган ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлиб ўтган учрашувлари якунлари, имзоланган икки томонлама битимлар хусусида тўхталади. Шунингдек, М.Мунир газетхонларга Покистон Бош вазирининг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига зиёрати хусусида ҳам маълумот беради.

Муаллиф Ш.Азизнинг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини берганини алоҳида таъкидлайди.

Унда қайд этилишича, Покистон минтақадаги муҳим мусулмон давлати — Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларга юксак баҳо беради. Ҳар икки мамлакат энергетика, банк ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида, шунингдек, сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш учун ўз жўғрофий жойлашувлари берадиган афзалликлардан тўла фойдаланиш ниятида. Нефть-газ тармоғида икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, катта салоҳиятга эгадир.

Покистонлик экспертнинг фикр билдиришича, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, нефть-кимё ва озиқ-овқат, оғир машинасозлик, метални қайта ишлаш, пўлат ишлаб чиқариш ва саноатнинг экспортга йўналтирилган бошқа тармоқларига сармояларни кўпайтириш учун яхши имкониятлар мавжуд. «Ўзбекистон ва Покистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тараққиёти ҳар икки мамлакатдаги бир-бирига ишончнинг яхши белгиси ва намойиши бўлмоқда», дея ўз фикрига урғу беради М.Мунир.

Шунингдек, мақолада 2007 йилнинг 7-8 мартида Исломободда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг йиғилиши натижалари ҳам юксак баҳоланади. Мамлакат пойтахтида Ўзбекистон делегацияси Покистон Бош вазири Шавкат Азиз ва бошқа расмийлар билан ўтказган учрашувлари атрофлича ўз ифодасини топган.

«Икки мамлакат етакчилари ўртасида юксак даражадаги ўзаро тушунишга эришилгани ҳисобига Ўзбекистон Покистон учун янада жозибали мамлакат бўлиб бормоқда», — деб якунлайди мақолани М.Мунир.

«Жаҳон» АА

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА ДАЪВО КИРИТИШДИ

Хабарингиз бўлса керак, Украина президенти Виктор Юшченко мамлакатда юзага келган сиёсий инқирозни бартараф этиш учун парламентга 7 та талабни қўйган эди. Бироқ парламент бу талабларни бажармади. Натижада президент Олий Радани тарқатиб юбориш ҳақидаги фармойишга имзо чекди ва навбатдан ташқари сайловларни шу йил 27 майга белгилади. Шундан кейин республикада вазият янада кескинлашиб кетди. Яъни Олий Рада депутатлари президентнинг бу фармойиши қонунга нақадар мос ёки мос эмаслигини аниқлаш ва уни бекор қилишни сўраб Конституциявий судга мурожаат этдилар. Лекин унинг жавобини кутмасданоқ Олий Рада президент фармойишини ноқонуний деб баҳолади ва бу тўғридаги қарорни тасдиқлади. Парламентнинг бу қарорини республика ҳукумати ҳам қўллаб-қувватлаб, фақат Олий Радага бўйсуниш кераклиги ҳақида қарор чиқарди.

Олий Рада эса Марказий сайлов комиссиясининг амалдаги таркибини тарқатиб юборди ва сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнлари учун маблағ ажратилишини тақиқлаш бўйича ҳужжатни ҳукумат эътиборига ҳавола этди. Ҳукумат эса Молия вазирлигини огоҳлантириб, навбатдан ташқари сайлов жараёнлари учун маблағ ажратилмаслигини ва фақат Олий Радага бўйсунишини уқтирди. Шу билан бирга Ички ишлар вазирлигига жамоат тартибини сақлаш, техноген хавфли объектларни қўриқлаш ва аҳоли ҳаётини муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш бўйича қўшимча мажбурият юклади.

«УНИАН» ахборот агентлиги маълум қилишича, президент Виктор Юшченко ҳам ўз фармойиши билан ҳукумат қарорини бекор қилди ва ҳукумат қарори нечоғли конституциявийлигини аниқлаш тўғрисида мамлакат Конституциявий судига даъво киритди.

Эслатиб ўтамиз: мамлакатдаги ички сиёсий инқироз 23 март куни, яъни Олий Раданинг 11 депутати, аниқроғи, муҳолифатдаги «Наша Украина» ва Юлия Тимошенко блокининг 11 вакили парламент кўпчилигини ташкил этувчи коалицияга қўшилганидан сўнг бошланди.

БОМБАРДИМОН ҚИЛИШГА БУЙРУҚ БЕРДИ

Перу президенти Алан Гарсия Амазонканинг тропик ҳудудида кокаин ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган яширин лабораторияларни аниқлаб, авиация ёрдамида бомбардимон қилишга буйруқ берди. Бу ишни ички ишлар вазири Луис Альбага топширди.

Перу оммавий ахборот воситаларида ёзишларича, маҳфий равишда гиёҳванд моддалар етиштирувчи жиноий тўдаларнинг ҳатто учиш-қўниш майдонлари ҳам бор экан. Уларни бомбардимон қилишга ҳарбий авиация жалб этиладиган бўлди.

Давлат раҳбари бундан икки ҳафта олдин Амазонканинг тропик ҳудудидаги қўкноризорларни йўқ қилиш бўйича «наркобарон»ларга икки ҳафта муддат берган эди. Бу муддат тугади. Лекин қўкноризорлар йўқ қилинмади. Энди бу иш ҳарбийлар ёрдамида амалга оширилади.

ЯНА ЎН ИККИ ЙИЛ КЕРАК

Босния ва Герцеговина ҳудудларини миналардан тўлиқ тозалаш ишлари 2019 йилга бориб якунланиши мумкин экан, шундаям давлат томонидан молиялаштириш амалга оширилса. Миналардан тозалаш Сараево маркази бу ҳақда хабар тарқатди.

Марказ мутахассисларининг баҳо беришларича, ҳозирги кунда миналашган майдонларнинг 1 минг 800 квадрат километри, ёки собиқ Югославия Республикасининг 4 фоизига тенг ҳудуд ҳали миналардан тозаланмаган. Босния уруши тугаганидан бери фақат 75 квадрат километр майдонгина пиёдалар учун миналардан ва бошқа портловчи моддалардан тўлиқ тозаланган холос. Тозалов ишлари суст кетаётганига сабаб шуки, халқаро ташкилотлар ҳар хил сабаблар билан молиялаштириш ишларини ортга сурмоқдалар, Босния ва Герцеговина давлат бюджети эса бу дастурни етарли даражада молиялай олмаяпти, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

Ҳозирги кунда уч минг сапёрдан атиги минг нафаригина, техниканинг эса ундан бир қисмигина тозалов ишларига жалб этилган.

Турли манбаларда қайд этилишича, Босния ва Герцеговина ерларида 1 — 1,5 миллионта мина кўмилиб ётибди. Уруш тугагандан бери ўтган 12 йил давомида одамларнинг минага тушиб қолиб портлаш ҳолатлари 1,5 минг марта қайд этилган. Уларнинг кўпчилиги ўлим билан якунланган.

❖ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

УЛУҒ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР

Истиқлол йиллари манзарасига назар ташласак, халқимизнинг эзгу орзу-умиди бўлган баркамол авлод тарбияси йўлидаги улуғвор ишларни, айниқса, мактабларимиз мисолида яққол кўрамиз. Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, биргина шу соҳада эришилган ютуқлар натижалари — муҳташам мактаблару уларда фарзандларимиз таълим-тарбияси учун яратилган тенгсиз шароитларни кўриб қалбингиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади.

Хусусан, мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан бири ҳисобланган, ўзига хос шароитга, қиёфага эга бўлган Нуробод туманида ҳам бу борада эришилган ютуқлар, кўзда тутилган режалар талайгина. Биз туман халқ таълими бўлими мудири Эркин АБДУСАЛОМОВдан умуммиллий дастур асосида бажарилган ишлар, режалар ҳусусида сўрадик.

— Тан олиб айтиш керакки, мактаблар масаласи давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиши туманимизда ҳам улкан бунёдкорликларга йўл очди. Бугун мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида қурилаётган ҳар бир илм маскани мустақиллигимиз шарофати, қолаверса, Ватанимизнинг фарзандлар келажаги йўлида ташлаётган қадами. Барчамизга яхши маълумки, ушбу ҳаётий дастур туфайли айни пайтда чекка қишлоқларда ҳам замонавий илм масканлари қад ростламоқда. Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий дастур қабул қилингандан сўнг туманимиздаги жами 75 та умумтаълим мактабининг 58 таси ушбу манзилли дастурга киритилди. Жумладан, 2 та мактаб янгидан қурилиши, 18 таси капитал реконструкция, 18 таси капитал ва 21 таси жорий таъмирланиши кўзда тутилган. Худди шу дастурга кўра мазкур мактабларнинг 11 тасида ёпиқ спорт зали қурилиши ҳам режалаштирилган. Энди бажарилган ишларга келсак, ўтган 2005-2006 йилларда туманимизда 5 та мактаб янгидан қурилди. Бу эса дастурнинг туманимиздаги ижросига вилоят ҳокимлиги нечоғли эътибор қаратаётганидан далолат. Худди шу дастур бўйича туманимизда яна иккита — 28 ва 30-мактаблар қўшимча сифатида янгидан қурилди. Ўн йиллар давомида қаровсиз ётган бу мактаблар қурилиши туман ҳокимлиги ва саховатпеша инсонлар ҳомийлиги билан амалга оширилди.

Албатта, ўтган йилимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номлангани боис хайрли ишларда ҳомийларимизнинг ўзига яраша ўрни билинди. Хусусан, 18, 15, 55-мактаблар қурилишида ҳомийлик ёрдамини аямаган «Улус» ширкат хўжалиги ва бошқа ташкилотларнинг мурувватлари таҳсинга лойиқ. Худди шунингдек, 5-мактабда спорт зали қуришда, 18-мактаб атрофини ободонлаштиришда, спорт майдончаларини янгидан барпо этишда ҳам қишлоқ аҳли, отаоналар ўз ёрдамларини аямадилар. Бу мактабларга тўлиқ ўқув қуроллари, мебель ва компьютер техникаси олиб келиб ўрнатишда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам катта амалий ёрдам берди.

— Айтингчи, манзилли дастур асосида 2007 йилда қандай ишлар амалга оширилади, шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— «Ижтимоий ҳимоя йили»да туманимизда 1 та мактаб янгидан қурилиши мўлжалланган. 7 та мактабимизда капитал таъмир ва капитал реконструкция ишлари амалга оширилади. Албатта, бугун янгидан қурилаётган бу мактабларимизда ишлар авжида. Шу ўринда ушбу бунёдкорликларни амалга ошираётган қурилиш ташкилотларини ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозим. Хусусан, тумандаги «Бинокор», «Шамс-Мир» ҳамда «Саховат» қурилиш жамоалари мактаб қуриш борасида анчагина яхши натижаларга эришди. Янги ўқув йилигача белгиланган ишлар ўз вақтида уддаланиб, замонавий, кўркам ўқув масканлари ёшларимизни ўз бағрига олади.

2004 йилгача мавжуд мактабларимиздан атиги 8 таси замонавий услубда эди, бугунга келиб улар 21 тага етди. Янги ўқув йилида замонавий мактабларимиз сони 30 дан ошади. Шу вақтгача 8 та мактабда замонавий спорт заллари мавжуд бўлса, жорий йилда улар яна 4 тага кўпаяди. Бу иншоотлар туманимизда болалар спортини ривожлантиришда муҳим омил бўлади, албатта.

— Туманда ўқувчилар билимини ошириш, мактабларда таълим-тарбия сифатини янада юксалтириш, дарсдан ташқари машғулотларни мазмунли ташкил қилиш борасида қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мамлакатимизда изчил амалга оширилиши мактаблар зиммасига улкан вазифаларни қўяди. Туманимиз вилоятдаги энг чекка ҳудудлардан бўлиб, мавжуд мактаблар ҳам тарқоқ жойлашган. Шу боис баъзан ўқитувчи кадрлар етишмаслиги муаммоси учраб туради. Шундай бўлса-да, тумандаги ҳар бир мактабда қабул қилинган дастурлар асосида муайян ишлар бажариб келинмоқда. Биз эса юқоридаги муаммони бартараф этиш мақсадида вилоятдаги ва бошқа олий ўқув юртларида туманимиздан бориб ўқиётган ёшларни ўзимизга юбориш бўйича мурожаат билан чиққанмиз. Бундан ташқари, таълимнинг мазмунига кириш бўйича 61-мактаб базасида ихтисослаштирилган мактаб очдик. Жами 75 та мактабнинг 70 тасида ҳар бир синфдан иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиб, педагогик синфлар ташкил қилдик. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича қайта синовдан ўтказиб, уларнинг дарс жараёнини сифатли ўтишига қатъий эътибор қаратмоқдамиз. Албатта, бу борада маълум ютуқлар ҳам қўлга киритилди, келгусида уларни янада оммалаштириш учун ҳозирда тегишли саъй-ҳаракатларни олиб бораяпмиз.

Яна бир гап. Ҳукуматимизнинг ўқитувчи ва мураббийларни моддий рағбатлантириш бўйича кўрсатаётган ғамхўрлиги уларда ўз касбига бўлган меҳрни оширди. Энди зиммамиздаги талаб битта: у ҳам бўлса давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятларга яраша меҳнат қилиш, эътиборга муносиб бўлиш, билим беришга, таълим-тарбия ишига сидқидилдан ёндашиш.

Муҳаммад НАЗАР суҳбатлашди

АТ «Пахта банк»

қулай ва ўта фойдали бўлган имтиёзли пластик картларни таклиф этади!

Имтиёзли пластик картлар «ЁШ ОИЛАЛАР» ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ТАЛАБАЛАРига берилади.

Бунда ушбу пластик карт ҳисобварағига йиллик 18% ва 16% миқдорида даромад тўланади ҳамда у ойлик асосда капитализация қилинади.

Маълум савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харид қилинган маҳсулотларга пластик картлар орқали накд пулсиз ҳисобкитоб амалга оширилса **чегирма (дисконт)** берилади.

Бонус лойиҳаси бўйича Сиз савдо шохобчасидан доимий равишда маҳсулот сотиб олсангиз, яъни 10 мартадан ортиқ харид қилсангиз, унда тўпланган **бонус** асосида Сизга ушбу савдо шохобчаси томонидан чегирма берилади.

Агар Сиз пластик картангизга тушган ойлик иш ҳақларингизга ва уларга тенглаштирилган пул маблағларингизга савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаларида накд пулсиз харидни амалга оширсангиз, банк Сизнинг пластик картангиз ҳисобварақ қолдиқларига тўланадиган фоиз тўловларига йиллик 4 фоиз ҳисобда қўшимча тўлов билан рағбатлантиради.

«Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!

«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!

❖ Кураш



«АЛПОМИШ»

ДУНЁ АЛПЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Президент соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб 13-14 апрель кунлари ўтказиладиган VIII халқаро турнир ва аёллар ўртасида ўтадиган илк жаҳон чемпионатида 30 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашиши кутилмоқда

Курашни, полвон зотини улуғлайдиган, ардоқлайдиган Сурхондарёда 1993 йилдан бери буюк аллома Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказиб келинаётир. Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳи яна ўз бағрига дунё полвонларини чорламоқда. Гап шундаки, бу ерда Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Президент соврини учун навбатдаги VIII халқаро турнир билан бир қаторда аёллар ўртасида илк бор жаҳон чемпионати ҳам бўлиб ўтади.

Мана икки ойдирки, воҳа аҳли катта кураш ҳавоси билан яшамоқда, тайёргарлик қизғин. Ўз бағрига 10 минг томошабинни сиғдира оладиган «Алпомиш» стадиони таъмирдан чиқарилди. Янги кураш гиламлари харид қилинди, ўйингоҳдаги алоқа тизимлари ва бошқа техник ускуналар янгиланди. Термиз кураш ишқибозлари ва меҳмонларни кутиб олишга шай.

Мусобақа ўтадиган кунлари стадион атрофида ошхоналар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар хизмати янада яхшиланади. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга юқори савияда транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида қўшимча автобус ва микроавтобусларни жалб этиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

— Термиз шаҳрида икки кун давом этган турниролди баҳслари вилоят босқичи саралаш мусобақалари давомида эркаклар ўртасида ҳам, аёллар ўртасида ҳам маҳоратли ва номдор полвонлар кўплиги маълум бўлди, — дейди Сурхондарё вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эргаш Худоёров. — Шу боис, вилоят курашчилари халқаро турнир ва жаҳон чемпионатида иккитадан таркиб билан иштирок этишни режалаштиришган.

Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтадиган VIII халқаро турнирга Буюк Британия, Жанубий Африка Республикаси, Макао, Япония, Россия, Бразилия, Жанубий Корея, Эрон, Янги Зеландия, Канада, Греция каби ўттиздан зиёд мамлакатлар полвонлари ташрифи кутилмоқда. Умумий мукофот жамғармаси 21200 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур йирик мусобақада полвонлар етти (60 кг., 66 кг., 73 кг., 81 кг., 90 кг., +90 кг., мутлақ) вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқадилар.

Турнирнинг мутлақ ғолибига 10000 АҚШ доллари миқдорида мукофот топширилади. Айнан шу вазн тоифасида беллашиш учун эса дунёнинг энг довруғли полвонлари аллақачон Термизга авиачипта буюриб қўйишганлиги беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишидан дарак бермоқда. Улар орасида Африка қитъаси чемпиони Гэри Эндерхольд (ЖАР), Европа чемпиони ва совриндорлари Василис Илиадис, Георгиос Андриадис (иккиси ҳам Грециядан), Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Саид Хисрави Нажот (Эрон), жаҳон чемпиони Эмели Гиттинез (Буюк Британия) сингари шербилак полвонларнинг борлиги сўзимиз исботидир.

Аёллар ўртасида ўтадиган илк жаҳон чемпионатида ғолиб ва совриндорлар уч (52 кг., 63 кг., +63 кг.) вазн тоифасида аниқланади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

❖ Интер-спорт

ЖАНГ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН

WBC йўналиши бўйича фахрий жаҳон чемпиони украиналик Виталий Кличко россиялик чемпион Олег Маскаев билан шу йилнинг 2 июнь куни Москвада ўтказилиши кўзда тутилаётган жанг қолдирилиши мумкин, деган фикрни айтмоқда. Гап шундаки, россиялик боксчи жанг учун катта сармоя талаб қилаётган экан.

Эслатамиз, 2 апрель куни Кличко — Маскаев жанги ўтказилмайди, деган хабар тарқатилган эди. «Маскаев бундай жанглар учун кўпи билан 2,5 миллион доллар ишлар эди, — дейди Кличко «Коммерсант Украина» нашрига берган интервьюсида. — Энди эса у икки баравар кўпроқ маблағ талаб қилмоқда. Бундай шароитда жангнинг бўлиш-бўлмаслиги ҳақида ўйлаб қоласан киши».

Украиналик боксчининг фикрига қараганда, мазкур йўналиш бўйича чемпионликка даъвогар нигериялик Сэмюэл Питер ҳам ўзини бошқача тутаётган экан. У ўз ўрнини Кличкога бўшатиб бергани учун товон тариқасида 3 миллион долларга яқин сармояли бўлишни истаяпти. «Ваҳоланки, Питер ҳеч қачон рингда 1,5 миллион доллардан кўп маблағ топа олмайди», — деди Кличко.

❖ Жиноятга жазо муқаррар

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ

САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ АЙРИМ «ТАДБИРКОР»ЛАР ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизда «бели оғримаганнинг нон ейишини кўр», деган гап бор. Бу ишёқмас дангасаларга, текин томоқ товламачиларга нисбатан айтилган гап. Лекин яна шундай текинхўрлар борки, улар бойлик илинжида кишилар саломатлигини ҳам назар-писанд қилмайдилар. Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунлари ҳамда янги йил иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштиришга бағишланган йиғилишида ҳам шу салбий ҳолат, яъни истеъмолга яроқсиз молларнинг республикага кириб келаётгани Президентимиз томонидан кескин танқид қилинди. Дарҳақиқат, бу ташвишли ҳолатга барча бирдек курашмоғи керак, деб ўйлаймиз...

Мадиёр Худимов 120 литр истеъмолга яроқсиз этил спиртини ҳеч бир ҳужжатсиз олиб келаётганда «қўлга тушди». Агар бу яроқсиз мол истеъмолчи қўлига етиб борганда қанчалик ёмон оқибатларга олиб келишини бир тасаввур қилинг-а.

Айша Урунова ҳам ўз хатти-ҳаракати оқибатини ўйламай жиноятга қўл урди. Ёши қирқни қоралаётган бу аёл инсофу диёнатни унутиб, баҳоси 262 минг 500 сўмлик 112,5 литр хоришда ишлаб чиқилган спиртни Хоразм вилоятининг «Дўстлик» шаҳарчасига пуллаш учун ноқонуний равишда олиб кетаётганда тўхатилди.

Сайфулла Нурматов тоғни урса талқон қиладиган ёшда. Лекин у ҳам қонуний йўл қолиб, тирикчиликнинг қиғир йўлини танлади — чет элда ишлаб чиқилган 360 литр спиртни ўтказмоқчи бўлганида Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси йўл патрул ва божхона хизмати ходимлари томонидан тўхататилди. Наврўзбой Хожиев ҳам 142,5 литр Қозоғистон спирти, 140 дона «Мужик», «Пшеничная» арағини яширинча айланма йўллар билан Томди туманига қадар олиб келди-ю, бу ёғига чув тушди.

Улар, албатта ўз қилмишлари олдида жавоб беришади. Лекин кишини ўйлантирадиган бошқа жиҳати бор. Бугун ишлайман, пул топаман деганга шароит етарли. Ахир қиғир йўлнинг охири, албатта, берк бўлади-ку. Қолаверса, бойлик орттириш мақсадида ўзгалар соғлигига тажовуз қилиш инсофсизлик эмасми. Инсоф ва диёнат билан ҳалол бойлик орттираман дегувчиларга имконият эшиклари очиқ ва улар элнинг ҳурматэътиборида. Ҳалол ва тўғри йўл ҳамиша ҳурматга, қиғир йўл эса лаънатга лойиқ бўлади.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Ҳусанбек» кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва савдо хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
I — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda